

Бобур бадиияти

Маълумки, феврал оyi бу чинакам маънода гўзал ва ғазал ойдир, десак муболаға бўлмайди. Чунки дунё бадиий адабиётида иккита гигант сиймо ҳазрат Навоий ва Бобурнинг таваллудлари муносабати билан шеърхонлик кечалари ташкил этилиши ҳар йили анъана тусини олган.

Ўтган ҳафта бутун Республикамиз бўйича навоийхонлик тадбирлари ўтказилган бўлса, айти кунларда Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ маърифий кечалар ташкил этилмоқда.

Худди шу мақсадда институтимизнинг 2-ТТЖда “Бобурнинг бебаҳо бадиияти” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда филология фанлари номзоди Раҳимбой Джуманиязовнинг мазмундор суҳбати ва “Нотиқлик санъати академияси” таълим муассасасининг иқтидорли тингловчиларидан Шўҳрат Исломовнинг чиқиши талабаларда сўз санъатига завқ уйғотди.

Тадбирда ГИМ факультети маънавият ва маърифат ишлар бўйича декан ўринбосари Ортиқ Рўзибоев, 2-ТТЖ тарбиячи педагоги, психолог Дилором Саъдуллаева, ГТҚ факультети маънавият ва маърифат ишлар бўйича декан ўринбосари Азим Азимов, ГИМ факультети “Гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти Баҳриддин Муқимовлар иштирок этишди.



Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркардалиқ фаолияти билан алоҳида ажралиб турган сиймолардан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди.

Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубайин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобур ҳаёти ва ижодиёти бўйича викторина саволларига жавоб бериб турли хил китобларни ютиб олган талабалардан Абдураимов Абдунаби, Ғайбуллоев Бобуржон, Толибов Авазлар барчага ўрнатилди.

“ГИМ” факультети “Гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти Баҳриддин Муқимов ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов